

Тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси



"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок

этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодий ривож ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ортиши – барча ютуқ ва имкониятларимизда Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу куни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилади.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган эди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида ёши улуг инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган меъерий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди.

Кексаларнинг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Фахрийларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини мазмунли ташкил этиш, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда уларнинг тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлидаги бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2016 йилни мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсақлар билан қўллаб-қувватлади.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан яқунланди.

[ЎЗА](#)